

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. Tar/Yu/I.24.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

НАЙИМОВ ОТАБЕК МАРДОНОВИЧ

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК ХАЛҚАРО МАЙДОНДА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ
МАНФААТЛАРИНИ ИЛГАРИ СУРИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ
ВОСИТАСИ СИФАТИДА

23.00.04 – Халқаро муносабатлар, жаҳон ва минтақа тараққиётининг сиёсий
муаммолари

СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD) по политическим
наукам**

**Contents of the Dissertation of Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in
Political Sciences**

Найимов Отабек Мардонович

Парламентлараро ҳамкорлик халқаро майдонда Ўзбекистон
Республикасининг миллий манфаатларини илгари суриш ва амалга
ошириш воситаси сифатида 3

Найимов Отабек Мардонович

Межпарламентское сотрудничество как инструмент продвижения
национальных интересов Республики Узбекистан на международной
арене 27

Nayimov Otabek Mardonovich

Inter-parliamentary cooperation as an instrument of promoting national
interests of the Republic of Uzbekistan in international arena 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. Tar/Yu/I.24.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

НАЙИМОВ ОТАБЕК МАРДОНОВИЧ

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК ХАЛҚАРО МАЙДОНДА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ
МАНФААТЛАРИНИ ИЛГАРИ СУРИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ
ВОСИТАСИ СИФАТИДА

23.00.04 – Халқаро муносабатлар, жаҳон ва минтақа тараққиётининг сиёсий
муаммолари

СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B2017.2.PhD/Siyos48 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертацияси иши Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uwed.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.zionet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Жўраев Қодир Асадович
сиёсий фанлар доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Рахимов Мирзохид Акрамович
тарих фанлари доктори, профессор

Жўраев Нарзулла Қосимович
сиёсий фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат шарқшунослик институти

Диссертация ҳимояси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017. Таг/Ҳу/І.24.01 рақамли Илмий кенгашнинг ____ йил « ____ » _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100077, Тошкент ш., Мустақиллик кўчаси, 54. Тел.: (998971) 267-67-69; факс: (998971) 267-09-00; e-mail: rektorat@uwed.uz).

Диссертация билан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100077, Тошкент ш., Мустақиллик кўчаси, 54. Тел.: (998971) 267-67-69)

Диссертация автореферати ____ йил « ____ » _____ да тарқатилди.
(____ йил « ____ » _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

И.А.Хамедов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ю.ф.д., профессор

Н.А.Нугманов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, ю.ф.н., доцент

Н.У.Туляганова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, с.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Парламентлараро ҳамкорлик замонавий халқаро муносабатларнинг муҳим ва ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Бугунги кунда фаол ва ташаббускор парламентлараро алоқаларни йўлга қўйиш давлатнинг ташқи сиёсий ва дипломатик салоҳиятини, халқаро обрў-эътибори ва имижини юксалтириш билан бир қаторда, халқаро майдонда мамлакат миллий манфаатларни илгари суриш ва амалга ошириш, сиёсий ташаббусларни эълон қилиш ва мамлакатнинг у ёки бу масалага нисбатан позициясини ифода этишнинг муҳим омилига айланди. Ҳозирги даврда ташқи сиёсатнинг таъсирчан инструменти даражасига кўтарилган парламентлар ва уларнинг кўп сонли ассамблеялари халқаро қарорлар қабул қилиш жараёнига хос бўлган *демократик тақчиллик*ни бартараф этиб, адолатли, шаффоф ва демократик халқаро муносабатлар тизимини яратишга интилиб келмоқда. Икки томонлама муносабатларда эса парламентлараро ҳамкорлик ўзаро ишончни таъминлаш, бир-бирини тўғри англаш, маданий-гуманитар алоқалар ва оддий инсоний ришталарни мустаҳкамлаш, низо ва қарама-қаршиликларни сиёсий воситалар орқали ҳал этишда юксак аҳамият касб этмоқда.

Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида парламентлараро ҳамкорликнинг жадал ривожланиши парламентни нафақат соф миллий бошқарув органи, балки халқаро муносабатларда аҳамияти тобора юксалиб бораётган ташқи сиёсат актори сифатида ўрни ва ролини тадқиқ этишни заруратга айлантди. Шу боис дунёнинг парламентаризм анъаналари чуқур илдиз отган ҳамда парламентлари ташқи сиёсат ва халқаро муносабатларнинг муҳим акторига айланган мамлакатлар тажрибасини қиёслаш орқали халқаро майдонда миллий манфаатларни илгари суриш ва амалга оширишда парламентлараро ҳамкорликнинг аҳамияти, мазмун-моҳияти ва ривожланиш тенденцияларини очиб бериш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизнинг ташқи сиёсат соҳасидаги фаолияти асосини «тинчликпарварлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, юзага келадиган зиддият ва қарама-қаршиликларни фақат тинч, сиёсий йўл билан ҳал этиш ташкил этади. Ўзбекистон бундан буён ҳам узоқ-яқиндаги барча хорижий мамлакатлар, жаҳон ҳамжамияти билан самарали ҳамкорликни давом эттиради»¹. Ушбу мақсадга эришишда хорижий мамлакатлар парламентлари билан Олий Мажлис ўртасида парламентлараро алоқаларни йўлга қўйиш, парламент дипломатиясини ривожлантириш ҳамда давлатнинг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий дастурларини амалга оширишда парламент ресурсларидан фойдаланишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Шу нуқтаи назардан, парламентлараро ҳамкорлик борасида тадқиқотлар олиб бориш, Олий Мажлис ва ташқи сиёсат билан шуғулланувчи давлат идораларини чуқур илмий асосланган таклиф ҳамда тавсиялар билан таъминлаш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Конституция қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. 7 декабрь, 2016 йил.

«Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (2012) ҳамда «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ 4947-сонли Фармонида (2017) ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертацион тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» дастури устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Халқаро майдонда миллий манфаатларни илгари суриш ва амалга ошириш контекстида парламентлараро ҳамкорлик масалалари шу пайтга қадар Ўзбекистон Республикасида алоҳида тадқиқот объекти сифатида кўриб чиқилмаган.

Хорижий мамлакатларда замонавий парламентлараро ҳамкорликнинг турли жиҳатлари нисбатан кенг тадқиқ этилган бўлиб, С.Ставридис, З.Сабич, А.Маламуд, Ф.Нортон, Г.Гамилтон, Х.Посдорф, Д.Фиотт, Ф.Веисглас, Гонни дэ Бур, Д.Янчич, Р.Катлер² каби олимлар парламентлараро ҳамкорликнинг институционаллашуви, халқаро парламент институтлари ва уларнинг глобал қарорлар қабул қилиш жараёнига таъсири, парламент дипломатияси давлатнинг кўшимча дипломатик ресурси ҳамда парламентни ташқи сиёсат ва халқаро муносабатларнинг инструменти сифатидаги фаолиятини ўз илмий изланишларида қамраб олишган.

Парламентлараро институтларнинг таснифи ва асосий мезонларини қиёсий жиҳатдан А.А.Виноградова, И.В. Котелевская; парламентлараро ҳамкорликни миллий манфаатларни илгари суришнинг замонавий шакли сифатида В.А.Песков; сиёсий тизимда парламентнинг тутган тарихий ўрнини

² Stavridis S., Costa O., Dri C. (eds.) *Parliamentary Dimensions of Regionalization and Globalization. The Role of Inter-parliamentary Institutions.* –Palgrave Macmillan. 2013; Stavavridis S., Jancic D. Introduction: The Rise of Parliamentary Diplomacy in International Politics. // *The Hague Journal of Diplomacy.* Vol.11, 2016. Sabic Z. Building Democratic and Responsible Global Governance: The Role of International Parliamentary Institutions. // *Parliamentary Affairs.* Vol.61, No2, 2008; Sabic Z. Democracy across borders: Parliamentarians and International Public spheres. // *The Public.* Vol.15, No3, 2008; Sabic Z. Parliamentary Diplomacy and the US Congress. The article is in Stavridis S. and Jancic D.'s *Parliamentary Diplomacy in European and Global Governance.* – Brill/Nijhoff. 2017. Malamud A., Stavridis S. Parliaments and parliamentarians as International Actors. –Ashgate Reseach Companion. 2014. Norton Ph. (ed.) *Parliaments and Governments in Western Europe.* –Routledge. 2013; Norton Ph. *National Parliaments and the European Union.* // *Managerial Law.* 2003. Hamilton G.J. *Parliamentary diplomacy; diplomacy with a democratic mandate.* – Quebec. 2012. Posdorf H. *International Parliamentary Cooperation.* 2008. Fiott D. On the Value of Parliamentary Diplomacy. // *Madariaga Paper.* Vol.4, No7, 2011. Weisglas F.W., Boer G. *Parliamentary Diplomacy.* // *The Hague Journal of Diplomacy.* No2, 2007. Jancic D. *World Diplomacy of the European Parliament.* // *The Hague Journal of Diplomacy.* Vol.11, 2016. Culter R. The Emergence of International Parliamentary Institutions: New networks of influence in world society. The article is in *Who is afraid of the State? Canada in a World of Multiple Centers of Power.* Ed. Gordon S.S., Wolfish D. –University of Toronto Press. 2001; Cutler R. *International Parliamentary Institutions as Organizations.* –Carleton University. Cutler R. *The OSCE's Parliamentary Diplomacy in Central Asia and the South Caucasus in Comparative Perspective.* // *Studio Diplomatica.* 2006. Kreppel A. *The European Parliament and the Supranational Party System. A Study in Institutional Development.*–Cambridge University Press. 2004.

қиёсий жиҳатдан В.В. Иванов, парламентлараро ҳамкорликнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатларини эса Р.Р. Муллагалеева³ сингари россиялик олимлар комплекс тадқиқ этишган.

Дунё парламентлари, парламентлараро ташкилотлар, замонавий халқаро муносабатларда парламентлараро ҳамкорлик, парламентаризм соҳасида хорижий мамлакатларда эришилган тажриба, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг парламентлараро алоқалари каби жиҳатлар мамлакатимиз олимларидан А.Х.Саидов, Р.М.Алимов, В.И.Норов, С.С.Сафоев, Қ.А.Жўраевлар⁴ томонидан ўрганилган. Ўзбекистон Республикасида парламент тизимининг сиёсий институт сифатида шаклланиши ва парламентаризм анъаналарининг қарор топиши, парламент ҳуқуқи, бир палатали ва икки палатали парламент, қонунчилик жараёнининг у ёки бу жиҳатлари Э.Ҳ.Халилов, Х.Х.Одилқориев, Ш.Т.Қудратхўжаев ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган. Икки палатали парламент тизимида палаталараро ўзаро муносабатлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва унинг маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари билан ўзаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари А.Қ.Рахимов, М.А.Раджабова, А.А.Махмудов⁵ каби олимларнинг ишларида ўз ифодасини топган.

Юқорида келтирилган муаллифларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикасида парламентлараро ҳамкорлик миллий манфаатларни халқаро майдонда илгари суриш ва амалга ошириш

³ Виноградова А.А. Межпарламентские институты: Критерии, классификации, сравнительный анализ. //Сравнительная политика. №4, 2011. Котелевская И.В. Современный парламент. // Государство и право. №3, 1997. Песков В.А. Межпарламентское сотрудничество как форма представления национальных интересов. Автореф. дисс. ...канд. полит. наук. –Пятигорск. 2013. Иванов В.В. Принцип разделение властей в конституции США 1787 г. и конституции Франции 1791 г.: Сравнительный анализ. //Государство и право. №12, 2000. Муллагалеева Р.Р. Межпарламентское сотрудничество: теоретико-правовые основы. //Современные проблемы науки и образования. №4, 2013.

⁴Саидов А.Х. Межпарламентские организации мира. Справочник. М.:–Международные отношения. 2004; Саидов А.Х. Национальные парламенты мира. Энциклопедический справочник. М.: –Международные отношения. 2005; Саидов А.Х. Парламентское измерение международных отношений. //Международное публичное и частное право. №1 (22), 2005. Алимов Р.М. Парламентаризм: хорижий мамлакатлар тажрибаси. –Тошкент: «Шарк», 2002. Норов В.И. Минтақавий хавфсизликни таъминлаш бўйича Ўзбекистон ташаббусларини илгари суришда парламентлараро ҳамкорликнинг ўрни ва аҳамияти. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолияти концепцияси ва Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш масалалари. Маърузалар тўплами. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати. –Тошкент. 2015. Сафоев С.С. Марказий Осиёда геосиёсат. –Тошкент: ЖИДУ. 2005; Сафоев С.С. Ҳозирги замон халқаро муносабатлари ва парламентлараро ҳамкорлик. XXI аср жаҳон сиёсати ва Ўзбекистон тажрибаси: сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатлари. Илмий амалий конференция материаллари тўплами. –Тошкент: ТошДШИ. 2015. Жўраев Қ.А. Парламентлараро алоқаларнинг замонавий халқаро муносабатлар тизимида туган ўрни. Ўзбекистонда парламент институтининг ривож ва истиқболлари: сиёсий, ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Тошкент: ТошДШИ. 2010.

⁵Халилов Э.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи органи: сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар. –Тошкент. «Ўзбекистон». 2001. Одилқориев Ҳ.Т., Тультеев И.Т., Мухамедов Ў.Х. Икки палатали парламент. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. –Тошкент. 2004. Одилқориев Ҳ.Т. Парламент назоратининг моҳияти ва асосий шакллари.//Парламент назорати: назария ва амалиёт масалалари. –Тошкент. 2005. Қудратхўжаев Ш.Т. Ўзбекистонда профессионал парламент тизимининг сиёсий институт сифатида шаклланиши ва ривожланиши истиқболлари. –Тошкент. «Шарк». 2007. Рахимов А. Қ. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий асослари. –Тошкент. «Тамадун». 2011. Ражабова М.А., Махмудов А.А. Сенат ва маҳаллий кенгашлар. –Тошкент. 2013.

воситаси сифатида комплекс тадқиқ этилмаган. Ушбу ҳолат, ўз навбатида, миллий манфаатларни халқаро майдонда илгари суриш ва амалга ошириш контекстида республикамизнинг олий вакиллик органи – Олий Мажлиснинг халқаро парламентлараро алоқаларининг мазмун-моҳияти, ривожланиш тенденциялари ва қонуниятларини илмий тадқиқ этишнинг қай даражада долзарблигини яққол намоён этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг илмий-тадқиқот ишлар режасининг «замонавий халқаро муносабатлар ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш муаммолари» йўналиши доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади халқаро майдонда миллий манфаатларни илгари суриш ва амалга ошириш воситаси сифатида Олий Мажлиснинг парламентлараро алоқаларини ривожлантиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

парламентлараро ҳамкорликка оид сиёсий қарашлар ва ёндашувларни ҳамда парламентлараро ҳамкорликнинг концептуал асосларини очиқ бериш;

парламентлараро ҳамкорликнинг замонавий ривожланиш қонуниятлари ва тенденцияларини тадқиқ этиш;

халқаро ва минтақавий парламентлараро институтлар ва ассамблеяларнинг фаолиятини ўрганиш ҳамда мазкур ташкилотларнинг минтақавий ва умумбашарий муаммоларни бартараф этишдаги таъсирини аниқлаш;

илғор хорижий мамлакатлар миллий парламентларининг ташқи сиёсат ва халқаро муносабатлардаги иштироки даражасини аниқлаш;

халқаро майдонда Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатларини илгари суриш ва амалга оширишда Олий Мажлиснинг иштироки даражасини баҳолаш;

истикболда Олий Мажлиснинг халқаро алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ҳамда унинг парламентлараро ҳамкорлигини янада чуқурлаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг халқаро алоқалари тизими ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг халқаро парламентлараро ҳамкорлик фаолияти ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацион тадқиқот олдида қўйилган вазифаларни тўлақонли бажаришда кузатиш, умумлаштириш, тарихий қиёслаш, тизимли таҳлил, қиёсий-сиёсий таҳлил, структуравий-функционал, тарихий таҳлил, мантиқий хулоса ва контент таҳлил каби умумфан методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

истикболда миллий парламентимизнинг Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти Парламент ассамблеяси (ЕХХТ ПА) га аъзолигини қайта тиклаш мамлакатимизнинг ташқи сиёсий стратегиясини изчил амалга оширишнинг омилларидан бири бўлиши мумкинлиги асослаб берилган;

Олий Мажлиснинг Ислом Ҳамкорлиги Ташкилоти Парламентлараро Иттифоқи (ИХТ ПИ), Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро Ассамблеяси (МДХ ПА) ҳамда туркий тилда сўзлашувчи мамлакатлар Парламент Ассамблеяси (ТуркПА) каби парламентлараро тузилмаларга аъзо бўлиши борасида асослантилган тавсиялар ишлаб чиқилган;

мамлакатимиз сиёсий тизимида миллий парламент ролининг юксалиши негизида парламентлараро ҳамкорликни аниқ дастурлар билан янада такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

Олий Мажлиснинг халқаро майдонда мамлакатимиз миллий манфаатларини илгари суриш ва амалга оширишдаги халқаро ҳамкорлиги усул ва механизмларининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси. Бугунги ривожланиб бораётган халқаро муносабатлар тизимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мамлакат миллий манфаатларини илгари суриш ва изчил таъминлашдаги ўрни ва ролини кучайтириш ҳамда давлатимизнинг ташқи сиёсий мақсад ва вазифаларини амалга оширишда парламент салоҳиятидан кенг фойдаланиш зарурати очиб берилган.

Мустақиллик даврида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси халқаро парламентлараро ҳамкорлигининг илмий асослари, шаклланиш ва ривожланиш босқичлари ҳамда стратегик устувор йўналишлари тизимли тарзда очиб берилган.

Парламентлараро ҳамкорликнинг илғор механизмларидан самарали фойдаланаётган ҳамда миллий парламентларини ташқи сиёсатнинг таъсирчан инструментига айлантирган давлатларнинг тажрибасини илмий ўрганиш асосида шакллантирилган хулоса ва таклифлар истиқболда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини фаол ва ташаббускор ташқи сиёсат акторига айлантиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотнинг ҳар бир боби охирида, шунингдек, диссертациянинг якунида ўз аксини топган умумназарий хулосалар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг парламентлараро ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар соҳага оид сиёсий назариялар ва парламентлараро ҳамкорлик борасидаги хорижий мамлакатлар орттирган тажрибани таҳлил қилиш асосида илгари сурилган. Тадқиқотда фойдаланилган ахборот базасининг тўғри ва ишончлилиги унда фақатгина расмий нашрларда чоп этилган статистик маълумотлар ва синовдан ўтган ҳамда чоп этилган монографик тадқиқот натижаларининг қўлланилганлиги билан белгиланади. Таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, миллий парламентнинг ташқи сиёсий ва халқаро фаолиятини юксалтиришга қаратилган қонунчилик базасини мустаҳкамлаш, парламентлараро ҳамкорликнинг замонавий механизмларини жорий этиш, ташқи сиёсатни амалга оширувчи маъмурий-сиёсий институтлар тизимида Олий Мажлиснинг ўрни ва ролини янада юксалтириш ҳамда миллий сиёсатшунослик фанини илмий-назарий жиҳатдан бойитишга хизмат қилади. Тадқиқот натижаларидан, шунингдек, янги илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган амалий таклиф ва тавсияларнинг аҳамияти халқаро майдонда мамлакатимиз миллий манфаатларини илгари суриш ва изчил рўёбга чиқаришда Олий Мажлиснинг таъсирини ошириш ҳамда сиёсий, ижтимоий-гуманитар соҳалардаги таълим муассасаларининг ўқув жараёнида фойдаланилишда намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Илмий тадқиқот натижаларидан қуйидагиларда фойдаланилган:

Диссертантнинг бир қатор муаллифлик хулосалари ва таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг халқаро муносабатлардаги аҳамиятини юксалтиришда Парламентлараро Иттифоққа ҳамда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти Парламент ассамблеясига аъзолигини қайта тиклаш, Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенеш, Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси ва Қозоғистон Республикаси Парламенти билан парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари ташкил этишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси, 2017 йил 16 октябрдаги 10/1-554-сонли далолатномаси). Натижада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг хорижий мамлакатлар билан парламентлараро ҳамкорлигининг кенгайиши, унинг ташқи сиёсий ва халқаро аҳамиятининг юксалиши ва институциявий жиҳатдан янада такомиллашувига хизмат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қўшни давлатлар (Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон) парламентлари билан ўзаро алоқаларини мустаҳкамлаш, унинг Парламентлараро Иттифоққа аъзолигини қайта тиклаш, мамлакатимизнинг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий устувор вазифаларига эришишда, хусусан, унинг инвестицион жозибadorлиги ва туристик салоҳиятини янада юксалтиришга оид бир қатор муаллифлик хулосалари ва асосий таклифларидан Ташқи ишлар вазирлигининг ахборот-таҳлил материалларини тайёрлаш ҳамда хорижий ҳамкорлар билан турли даражадаги учрашувлар жараёнида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги «Жаҳон» Ахборот агентлигининг 2018 йил 6 апрелдаги 150/18-сонли далолатномаси). Ушбу таклифлар қўшни Марказий Осиё давлатларининг парламентлари билан алоқалар ўрнатишга, Олий Мажлиснинг Парламентлараро Иттифоққа

аъзолигини қайта тиклашга ҳамда унинг ташқи иқтисодий, жумладан, инвестициявий ва туристик фаолиятининг кенгайтишига имкон яратган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан мазкур тадқиқотда мамлакатимизнинг парламентлараро ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган назарий-концептуал хулосалар ҳамда Ўзбекистоннинг ИХТга аъзо давлатлар Парламентлараро Иттифоқига қўшилиши, ЕХХТ Парламент ассамблеясига аъзоликни қайта тиклаш, Олий Мажлисидаги парламентлараро дўстлик гуруҳларининг фаолиятини жонлантириш, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган ташқи сиёсатнинг устувор мақсад ва вазибаларига эришишда парламент ресурсларидан оқилона фойдаланишга оид таклиф ва тавсияларидан фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан берилган хат). Ушбу хулоса ва таклифлар натижасида мамлакатимизнинг ташқи сиёсий ва иқтисодий стратегиясини амалга ошириш, унинг инвестицион муҳити ва туристик салоҳиятини юксалтириш ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб қўйилган вазифа – Ўзбекистоннинг дўстона ва ҳамкорликка очик давлат сифатидаги имижини қарор топтиришда Олий Мажлиси Сенатининг халқаро алоқаларини ривожланишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг натижалари 8 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, «XXI асрда жаҳон сиёсати ва Ўзбекистон тажрибаси: сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатлари» (Тошкент, 2015), «Халқаро ҳуқуқ ва халқаро муносабатларнинг долзарб масалалари» (Тошкент, 2015), «Ҳозирги замон халқаро муносабатларининг долзарб масалалари» (Тошкент, 2015), «Ҳозирги замон халқаро муносабатларининг долзарб йўналишлари» (Тошкент, 2016), «Science Review» (Warsaw, 2017), «Тенденции и перспективы развития науки и образования в условиях глобализации» (Переяслав-Хмельницкий, 2016), «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси: ташқи сиёсат, халқаро ҳуқуқ ва ташқи иқтисодий фаолият» (Тошкент, 2017) мавзуларида халқаро ва республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та, жумладан, 1 та ҳаммуаллифликда монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола, хорижий журналларда 3 та, республика илмий анжуманларида 5 та, халқаро илмий анжуманларда 2 та илмий тезислар нашр қилинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 160 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган ҳамда тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, илмий тадқиқот усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларни амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, диссертация бўйича чоп этилган ишлар ҳақида маълумот, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми келтириб ўтилган.

Диссертациянинг **«Парламентлараро ҳамкорликнинг назарий-методологик асослари»** деб номланган биринчи бобида парламентнинг сиёсий институт сифатида шаклланиб келган эволюцион йўли, Ғарб ва Шарқ мамлакатлари, жумладан, Марказий Осиё мутафаккирларининг сиёсий назарияларида парламентаризмга оид қарашлар, замонавий сиёсий илмларда парламентга оид илмий тадқиқотларнинг кўпайиши ҳамда ҳозирги кунда ривожланиб бораётган парламентлараро ҳамкорликка доир таълимотлар атрофида таҳлил қилинган ва илмий-назарий хулосалар ишлаб чиқилган.

Диссертацияда узоқ ва нотекис тараққиёт йўлини босиб ўтган парламент институти, унинг анъанавий қонун ижодкорлиги, вакиллик ва назорат-таҳлил функциялари билан бир қаторда, кўплаб янги соҳалар, жумладан, ташқи сиёсат ва халқаро муносабатларга кириб келиши очиб берилган. Хусусан, қадимги Шарқ ва Ғарб сиёсий тафаккурида парламентаризмга оид назариялар таҳлил этилиб, парламент типигаги илк сиёсий уюшмалар Афина шаҳар-давлатида (Халқ йиғини), қадимги Римда (Сенат), кўплаб Осиё мамлакатларида кенгаш ёки қурултой фаолият юритганлиги ҳамда уларда давлатни бошқариш, халқаро алоқалар, уруш ва тинчлик, қонун ижодкорлиги ва молиявий масалалар муҳокама этилганлиги қиёсий тадқиқ этилган.

Таҳлиллар ўрта асрларда парламент типигаги илк сиёсий бирлашмалар турли давлатларда (Исландияда Альтинг, Францияда Генерал Штатлар, кўплаб Осиё давлатларида кенгаш, қурултой, мажлис ва ҳ.к.) турлича аталиб, фаолият кўрсатган бўлса-да, замонавий хусусиятларни ўзида мужассам этган илк парламентаризмнинг ватани сифатида Англия эътироф этилишини кўрсатди. Инглиз парламенти томонидан *Magna Carta*, яъни, «Эркинликларнинг буюк хартияси» номли муҳим тарихий ҳужжатнинг имзоланиши мамлакатда парламентаризм анъаналарининг қарор топишида тарихий аҳамиятга эга бўлди. Диссертант кескин курашлар ва ижтимоий-сиёсий зиддиятлар замирида шаклланиб келган Англия парламентини нафақат мамлакат сиёсий ҳаётида, балки қатор Европа давлатларида (Франция, Германия) парламентнинг сиёсий институт сифатида шаклланишида, АҚШда давлатчилик институтларининг қарор топишида, шунингдек, кейинги тарихий даврларда кўплаб собиқ инглиз мустамлакаларида (Австралия, Канада, Янги Зеландия, Ҳиндистон ва ҳ.к.)

вакиллик органларининг вужудга келиши ва парламентаризм идеалларининг дунё бўйлаб кенг ёйилишида муҳим аҳамият касб этган деб ҳисоблайди.

Парламентаризм кадриятларининг оммалашувида Европада Маърифатпарварлик даври деб аталадиган замонавий сиёсий таълимотларнинг ўрни беқиёс бўлиб, бу даврда ижод қилган Жон Локк, Томас Гоббс, Шарль Луи Монтескье, Жеймс Мэдисон, кейинроқ эса Жереми Бентам, Жон Стюарт Милль каби етук мутафаккирларнинг сиёсий назарияларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Хусусан, Ж.Локк ва Ш.Л.Монтескеларнинг асарларида парламентаризмнинг таянч устунларидан бўлган *ҳокимиятлар бўлиниши принципи* ҳамда *ўзаро тийиб туриши ва манфаатлар мувозанати* механизмлари илмий жиҳатдан асослаб берилди. Ж.Локк қонунчилик ҳокимиятини олий ҳокимият сифатида улуғлаб, у муқаддас ва ўзгармасдир, деб ҳисоблайди⁶. Ж.Бентам эса ўзининг «Қонунчилик мажлислари таомиллари» номли рисоласида парламент ва унинг давлат бошқаруви тизимидаги ўрни, бир палатали ва икки палатали парламентлар, уларнинг устун жиҳатлари ва камчиликларини санаб ўтган. Унинг фикрича, халқнинг вакиллик органига бўлган ишончини қозониш учун тўрт асосий жиҳат, яъни тўғридан-тўғри сайловлар, кенгаш аъзоларининг алмашилиб туриши, сайловчи ва сайланувчилар учун маълум ва машҳур шарт-шароитлар ва ҳудудий пропорционаллик каби талабларни киритади⁷. Маълум муддат айнан парламент аъзоси сифатида фаолият юритган Ж.С.Милль ўзининг «Вакиллик ҳукумати тўғрисида мулоҳазалар» номли асарида «вакиллик демократияси шахсий эркинликларни рағбарлантиради, халқни жамоат ишларига онгли равишда фаол иштирок этишига кенг йўл очади⁸», деган ғояни илгари суради.

Марказий Осиёлик мутафаккирлар ҳам адолатли бошқарув, эркин ва фаровон жамият барпо этиш борасида бой илмий мерос яратган бўлиб, улар орасида Абу Наср Форобийнинг (873-950 йй.) сиёсий ғоялари замонавий парламентаризмнинг принципларига анча ҳамоҳанг бўлиб, ўз даврининг илғор фикрларини ифода этган бўлса, буюк давлат арбоби ва саркарда, соҳибқирон Амир Темур (1336-1405 йй.) ўзининг улкан салтанатини бошқаришда машварату маслаҳат, хушёрлик ва мулоҳазакорлик билан қатъий қарор чиқариш, эъҳтиёткорлик каби тўрт нарсага амал қилганлиги тарихдан яхши биламиз. Буюк мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоий (1441-1501 йй.) ўзининг сиёсий қарашларида давлатни адолат асосида бошқариш, аҳоли ҳар бир табақасининг кадр-қиммати ва шаънини ҳимоя қилиш, бир-бирининг устидан ҳукмронлик қилишига асло йўл қўймаслик, зулму-ситамнинг олдини олиш, хавфсизлик ва осойишталикни таъминлаш ва бунда давлатнинг ўрни ғоятда муҳим эканлиги хусусида сўз юритади.

Тадқиқотлар натижасида парламентаризмнинг эволюцияси силлик кечмаганлиги, унинг тараққиётига жамиятда юз берадиган турфа ўзгаришлар,

⁶Локк Дж. Сочинения в трёх томах. Том-3. Два трактата о правлении. –М.: «Мысль», 1991. –С.339-346.

⁷Бентам Дж. Тактика законодательных собраний. //Антология мировой политической мысли. Т.1. –М.: 1997. –С. 564-566.

⁸Mill J.Stuart.Considerations on representative government. The Electric Book Company, 2001. –Pp.49-60.

ижтимоий зиддиятлар ва урушлар, иқтисодий ва савдо алоқаларини авж олиши, глобал коммуникация воситаларининг ривожланиши каби омиллар катта таъсир кўрсатганлиги яққол намоён бўлди. Бундай трансформацион ўзгаришлар замирида дастлаб Европада, сўнгра эса АҚШда парламентаризм идеаллари тобора оммалаша борди. Парламентлар сиёсий тизимлардан мустаҳкам ўрин эгаллаб, ўзларининг анъанавий функцияларидан ташқари ташқи сиёсат ва халқаро муносабатлар соҳасига кириб кела бошлади.

Диссертацион тадқиқот парламентлараро ҳамкорлик тушунчасининг мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб берадиган ягона илмий таърифнинг мавжуд эмаслиги ва бу масалада олимлар орасида яқдилликнинг йўқлигини ҳамда парламентлараро ҳамкорлик тушунчасини парламент дипломатияси тушунчаси билан чалкаштириб қўллаш ҳолатлари тез-тез учраб туришини кўрсатди. Диссертантнинг фикрича, парламентлараро ҳамкорлик тушунчаси борасидаги илмий мавҳумлик мазкур соҳанинг ханузгача эволюцион тараққиёт босқичида эканлиги, парламентларнинг ташқи сиёсат ва халқаро муносабатлардаги иштироки ва таъсири турли даражада амалга ошаётганлиги ҳамда уларнинг ташқи сиёсий мақсад ва вазифаларида муайян ноаниқлик сақланиб қолаётганлиги билан изоҳланади.

Диссертант ғарб олимларининг тадқиқотларидан парламент дипломатиясининг илмий таърифи ва мазмун-моҳияти, афзал жиҳатлари ва камчиликлари ҳамда унинг икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларни мустаҳкамлашдаги аҳамияти кўпроқ ўрин эгаллаганлигига гувоҳ бўлди. Масалан, Нидерландиялик парламентшунос олимлар Франс В. Веисглас ва Гоннэ де Бурлар глобал парламентлараро ҳамкорликнинг ривожланишини глобаллашув жараёнларининг чуқурлашуви, *'ички ва ташқи сиёсат ўртасидаги тафовутнинг емирилиб бориши'* билан изоҳлаб, парламент дипломатиясини парламентарийларнинг ўзаро ҳамжиҳатлик, ҳукуматлар фаолиятини назорат қилиш, қудратли ҳукуматлараро институтлар ишининг демократик легитимлигини ошириш каби мақсадларга йўналтирилган халқаро фаолият тури⁹, дея таъриф беради. Парламентлараро Иттифокнинг ҳисоботида кўра парламент дипломатияси— бу икки томонлама парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари ва ассамблеялари орқали ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш, делегациялар алмашинуви, парламент институтлари воситасида низоларга сиёсий ечим топиш борасидаги халқаро ҳамкорликдир¹⁰. Россиялик олим В.Ю.Песковнинг қайд этишича, парламентлараро ҳамкорлик бу – кўп секторли ташқи сиёсий тараққиёт элементи сифатида иш юритадиган, парламентлараро институтларнинг ўзаро муносабатлари йиғиндиси бўлиб, халқаро алоқаларни демократлаштириш ва ундаги мавҳумликни бартараф этиш, сиёсий, иқтисодий, имижга хос ва бошқа харажатларни минималлаштириш, ташқи сиёсат устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, ташқи сиёсий курсни ишлаб чиқишда парламент

⁹Weisglas W. Frans, Boer de Gonnie. Parliamentary Diplomacy. // The Hague Journal of Diplomacy. No2, 2007. – Pp. 93-94.

¹⁰Parliamentary Involvement in International Affairs. IPU Report to the II World Conference of Speakers of Parliaments, New York. September, 2005. –P. 8.

ролини ошириш, миллий манфаатларни артикуляция қилишда парламент дипломатиясининг аҳамиятини ошириш каби жиҳатларни қамраб олади¹¹. Яна бир россиялик олима Р.Р.Муллагалеева эса парламентлараро ҳамкорликни замонавий давлат ва ҳуқуқнинг кўплаб муаммоларини бартараф этишни кўллаб-қувватлайдиган вакиллик демократиясининг муҳим институтидир, деб ҳисоблайди¹².

Парламентлараро ҳамкорликнинг табиати, мазмун-моҳияти ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва умумлаштириш асосида диссертант томонидан мазкур тушунчага қуйидагича муаллифлик талқини тақдим этилди. Яъни, *парламентлараро ҳамкорлик бу – икки ва ундан ортиқ парламентларнинг ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, сиёсий мулоқот воситасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, халқларни яқинлаштириш, миллий манфаатларни илгари суриш ва амалга ошириш ҳамда умумбашарий муаммоларни бартараф этиш йўлидаги турли даражадаги алоқалари мажмуасидир.*

Шу билан бирга, парламентлараро ҳамкорликнинг жадал ривожланиши контекстида парламентларнинг ташқи сиёсий мақсад ва вазифалари кенгайтиши ёки ўзгариб бориши, бунинг натижасида эса парламентлараро ҳамкорлик янгича мазмун ва тушунчалар билан бойиб бориши эҳтимоллари диссертант томонидан қайд этилди.

Диссертант парламентларнинг ташқи сиёсат ва халқаро муносабатлардаги иштироки кўлами, таъсир даражаси ва имкониятлари нуқтаи назаридан шартли равишда бешта асосий гуруҳга ажратиб таснифлашни таклиф этади. Булар қуйидагилар: 1.) *Парламентни ташқи сиёсатнинг муҳим инструментига айлантирган давлатлар;* 2.) *Парламентни миллий дипломатиянинг муҳим таркибий қисмига айлантирган давлатлар;* 3.) *Парламентни мамлакат ташқи сиёсатининг анча фаол субъектига айлантирган давлатлар;* 4.) *Парламентлараро алоқалари ривожланиб бораётган давлатлар;* 5.) *Парламентлараро алоқалари ва парламентаризм анъаналари анча заиф бўлган давлатлар.* Бошқача қилиб айтганда, ўта фаол, фаол, мўътадил, унчалик фаол бўлмаган ва пассив парламентлар гуруҳидир.

Тадқиқот доирасида моҳиятан парламентлараро ҳамкорликнинг муайян хусусиятларини ўзида мужассам этган сиёсий назариялар ва ғоялар таҳлил этилди. Хусусан, парламентларнинг фаолияти, таъсир даражаси ва салоҳиятини очиб берувчи Мезей типологияси, сиёсий институционализм вакилларининг парламентлараро ассамблеялар ва қудратли халқаро ташкилотлар етакчилигидаги замонавий дунё тартиботини шаклланиш истиқболлари борасидаги қарашлари, С.Хантингтоннинг глобал демократлаштириш назарияси, Вестминстер моделига асосланган парламентларнинг инқирози назарияси (*parliamentary decline theory*),

¹¹ Песков В.Ю. Межпарламентское сотрудничество как форма представления национальных интересов. Автореф. дис. ... канд. полит. наук. Пензенск., 2013.

¹² Муллагалеева Р.Р. Межпарламентское сотрудничество: теоритико-правовые основы. //Современные проблемы науки и образования. Электронный научный журнал, №4, 2013г. С.м.: <https://science-education.ru/ru/article/view?id=9648>.

демократик тинчлик назарияси ҳамда «абадий тинчлик» концепциясининг замонавий талқинларидан диссертацион тадқиқот давомида фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Замонавий халқаро муносабатларда парламентлараро ҳамкорликнинг ўрни ва роли**» деб номланган иккинчи бобида миллий манфаатларни илгари сурувчи ва амалга оширувчи институционал тузилмалар тизимида парламентлараро ҳамкорликнинг ўзига хос хусусиятлари, парламент институтлари ва уларнинг демократия ва парламентаризм анъаналарини қўллаб-қувватлаш, халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, глобал қарорлар қабул қилишда демократик мезонларга таяниш, ҳукуматлараро ташкилотлар ва қудратли акторларнинг ҳатти-ҳаракатларини назорат қилиш ҳамда умумбашарий муаммоларни бартараф этишдаги ўрни ва роли масалалари қиёсий ўрганилган.

Диссертацион тадқиқот жараёнида бугунги кескин рақобатга асосланган халқаро тизимда миллий манфаатларни илгари суриш ва амалга оширишда парламентлараро ҳамкорликнинг ўзига хос ижобий хусусиятлари мавжудлиги ҳамда парламент ресурсларидан самарали фойдаланиш давлатнинг ташқи сиёсий имкониятлари ва халқаро нуфузини оширишга хизмат қилиши аниқланди. Диссертантнинг таъкидлашича, парламентлараро ҳамкорликнинг афзал жиҳатларига вакиллик органларининг жамоатчилик нигоҳида кўпроқ ишонч манбаи ва легитимлик табиатининг мустаҳкамлиги, давлатлар ўртасидаги нозик масалаларни парламентарийлар очик муҳокама эта олиши, ўзаро ҳамжиҳатлик ва бир-бирини тўғри англашни қўллаб-қувватлаш, низо ва зиддиятларни ҳал этишда сиёсий мулоқот воситаларига таяниш, расмий алоқа йўллари банд ҳолатларда парламент дипломатиясидан фойдаланиш, бошқа давлатларнинг сиёсий тизими ҳақида қимматли маълумотларга эга бўлиш, парламентарийларнинг ўз мамлакатада олиб борилаётган ислоҳотлар ва янгиланишлар борасида хорижий ҳамкорларга холис ва ишончли ахборот етказиши, халқаро масалаларга нисбатан умумий, яқин ёки ўхшаш минтақавий позицияни шакллантириш, давлатнинг халқаро ташаббуслари ва позициясини илгари суриш, парламент ресурслари ёрдамида халқларнинг муштарак қадриятларига урғу бериб, оддий инсоний ришталарни мустаҳкамлаш ва ҳ.к. каби хусусиятларни киритиш мумкин.

Халқаро муносабатларда катта сиёсий, иқтисодий ва молиявий таъсир кучига эга бўлган акторлар сонининг ошиб бориши мазкур иштирокчиларнинг глобал фаолияти устидан мунтазам парламент текшируви ва мониторингини олиб бориш, халқаро тизимга хос бўлган демократик тақчилликни бартараф этиш, халқлар тақдирига дахлдор бўлган битим ва келишувларни имзолашда шаффофлик ва демократик тамойилларга риоя этишни талаб қилмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда адолатли, демократик ва очик халқаро муносабатлар тизимини барпо этишда кўплаб институтлар, ноҳукумат ташкилотлари ва жамоатчилик ҳаракатлари билан бир қаторда парламентлар ҳамда уларнинг халқаро ассамблеялари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Диссертантнинг фикрича, парламентлараро ҳамкорликнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлган парламент институтларининг пайдо бўлиши ва динамик тараққиёти XX аср жаҳон сиёсатининг феноменал ҳодисасидир. Мазкур ташкилотларнинг жадал ривожланиши замирида тинч-тотув яшашга бўлган умумжаҳон саъй-ҳаракатлар, дунё бўйлаб демократия ва парламентаризм анъаналарининг кучайиши, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт, глобаллашув тенденцияларининг авж олиши каби кўплаб омиллар ётганлиги диссертация ишида алоҳида қайд этилди. Шу билан бирга, мазкур тадқиқот парламентлараро ҳамкорлик истиқболлари ва халқаро парламент институтларининг самарали фаолиятига жаҳон урушлари, совуқ уруш муносабатлари, ижтимоий зиддиятлар, сиёсий оҳангнинг кескинлашуви каби омиллар ўз салбий таъсирини кўрсатганлиги аён бўлди.

Диссертация ишида XX асрда парламентаризм идеалларининг дунё миқёсида кенг ёйилиши америкалик таниқли сиёсатшунос олим С.Хантингтон томонидан илгари сурилган сиёсий назария «*глобал демократлаштириши тўлқинлари*» билан ҳамоҳанг равишда кечганлиги ҳамда сиёсий тизимларда демократия ва парламентаризм қадриятлари ўзаро уйғун тарзда ривожланиб борганлиги ўз тасдиғини топди. Диссертант, Парламентлараро Иттифоққа асос солинган 1889 й. халқаро парламент институтларининг тарихий йилномасини бошлаб берган бўлса, бугунга келиб мазкур тузилмалар халқаро ташкилотлар институционал архитектурасининг муҳим таркибий қисмига айланганлигини алоҳида эътироф этади.

Ишда, бир томондан халқаро парламент институтларининг номланиши, ва мазмун-моҳияти борасида, иккинчи томондан эса, мазкур ташкилотларнинг халқаро қарорлар қабул қилиш жараёнидаги реал таъсири ва имкониятлари борасида олимлар орасида турлича танқидий фикрлар ва скептик қарашлар тез-тез учраб турадиган илмий ҳодиса эканлиги ўз ифодасини топди. Диссертантнинг фикрига кўра, молиявий ва ташкилий ресурсларнинг чекланганлиги, давлатлар халқаро муносабатларнинг марказий бўғини бўлиб қолаётганлиги, институциявий заифлик ва ноизчиллик, парламентарийлар саъй-ҳаракатининг жамоатчилик ва ОАВ эътиборидан четда қолаётганлиги, эришилган битим ва келишувларни имплементация қилишдаги қийинчиликлар халқаро парламент институтларининг ўрни ва ролига нисбатан билдирилаётган танқидий ёндашувларнинг асосий мазмунини ташкил этади. Шундай бўлса-да, парламентлараро институтларининг глобал саъй-ҳаракатлари халқаро муносабатларнинг динамикасига ижобий таъсир кўрсатди, улар жаҳон сиёсатини либераллаштириш ва демократлаштириш, инсониятни ташфишга солаётган муаммоларга кенг жамоатчилик диққат-эътиборини жалб этиш, қурол-яроғ савдоси, уюшган жиноятчилик, гиёҳванд моддалар ва халқаро терроризмга қарши кураш каби кўплаб янги соҳаларга кириб келмоқда.

Тадқиқот давомида миллий манфаатларни илгари суриш ва амалга ошириш контекстида парламентлараро ҳамкорлик анъанавий давлат дипломатиясининг қўшимча ресурсими ёки унга муқобил бўлган дипломатик

фаолият турими (complementary or parallel), деган мавзуда олимлар орасида қизгин илмий баҳсу мунозаралар давом этаётганлигини кўрсатди. Парламентарийлар халқаро майдонда мамлакат миллий манфаатлари, минтақавий хавфсизлик, иқтисодий ва савдо алоқаларини жонлантириш, қисқача қилиб айтганда, давлатнинг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий курсини амалга ошириш инструменти сифатида фаолият юритишини назарда тутиб, парламентлараро ҳамкорликни анъанавий дипломатиянинг салоҳиятини янада бойитишга хизмат қиладиган қўшимча ресурс деб баҳолаш мумкин.

Шу билан бирга, диссертацион тадқиқот ҳозирги зиддиятларга бой дунёда парламентлараро ҳамкорликнинг давлатлар ўртасидаги алоқаларни чуқурлаштириш, ўзаро ҳурмат ва манфаатли ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш, жаҳон сиёсатининг «*маънавий минбарлари*» деб эътироф этиладиган мазкур институтларни халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, инсониятни ўйлантираётган глобал муаммоларни олдини олиш, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт ҳамда ўзаро ҳамжиҳатликни қарор топтиришда ишга солиниши мумкин бўлган ижобий куч сифатидаги аҳамияти ўсиб бораётганлигини кўрсатди. Диссертант томонидан миллий парламентларини ташқи сиёсат ва халқаро муносабатларнинг таъсирчан инструментига айлантирган мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг халқаро алоқалари жуғрофиясини кенгайтириш, парламентлараро ҳамкорликни жадаллаштириш ҳамда ундан ташқи сиёсий ва иқтисодий мақсадларга эришишда фойдаланиш борасида амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг учинчи боби «**Ўзбекистон Республикаси парламенти – ташқи сиёсий фаолият субъекти сифатида**» деб номланган бўлиб, унда миллий парламентнинг эволюцияси, Ўзбекистонда парламентни сиёсий тизимдаги ўрни ва ролини кучайтиришга қаратилган туб ислохотлар ҳамда жамиятда парламентаризм анъаналарининг қарор топиши каби жиҳатлар таҳлил қилинди. Диссертант жаҳон тажрибасини тадқиқ этиш жараёнида истиқлолни қўлга киритган ҳар бир давлатнинг сиёсий тизимини шакллантириш учун жамиятда парламентаризм принципларини босқичма-босқич сингдириш ҳамда замонавий демократик хусусиятларни ўзида мужассам этган вакиллик органини барпо этиш давлат олдида турган энг асосий вазифалардан бири деган ғояни илгари суради.

Тадқиқот иши Ўзбекистон Республикасида парламентни сиёсий институт сифатида қарор топтиришда бой тарих ва маданиятга эга бўлган юртимизда асрлар давомида шаклланиб келган давлатчилик борасидаги қарашлар ва таълимотлар билан бир қаторда, ривожланган мамлакатларнинг парламентаризмга оид илғор тажрибасидан унумли фойдаланилганлиги миллий парламентни изчил тарзда босқичма-босқич ривожланиб борганлигини яққол кўрсатди. Асосан уч тарихий даврда амалга оширилган ислохотлар натижасида, бугунги кунга келиб, Ўзбекистонда

бикамерализмнинг (bicameralism) замонавий хусусиятларини ўзида тўлиқ мужассам этган миллий парламент шаклланди.

Диссертантнинг фикрича, сўнгги пайтларда миллий парламентнинг таъсирини ошириш, ундаги сиёсий партиялар фаолиятини жонлантириш ва уларнинг дастурий вазифаларини қайта кўриб чиқиш ҳамда бу борада жаҳон тажрибасини пухта таҳлил қилиб халқаро ҳамкорликни чуқурлаштириш, қисқача айтганда, миллий парламентнинг сиёсий тизимдаги аҳамиятини янада юксалтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг ҳозирги янги босқичида миллий парламентнинг мамлакат ташқи сиёсатини амалга оширувчи институционал тузилмалар тизимидаги ўрнини мустаҳкамлаш, мамлакатимизни 2017-2021 й.да ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб қўйилган стратегик мақсад ва вазифаларга эришишда, яъни, амалий руҳдаги чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ташқи сиёсат юргизиш, Ўзбекистон теварагида хавфсизлик, фаровонлик ва аҳил кўшничилик муҳитини шакллантиришда парламент ташаббускорлигини ошириш муҳим вазифа ҳисобланади. Хусусан, халқаро майдонда мамлакат миллий манфаатларини илгари суриш ва амалга оширишнинг ишончли механизмларини яратиш, вакиллик органларига хос бўлган қатор афзал жиҳатлар, жумладан, парламент ёки жамоатчилик дипломатияси воситасида халқларни яқинлантириш, оддий инсоний ришталарни мустаҳкамлаш, ўз ечимини кутаётган чегара муаммолари, трансчегаравий сув захираларидан фойдаланишда жаҳон тажрибасини ўрганиш орқали муқобил сиёсий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда давлатнинг минтақавий ташаббуслари ва сиёсий позициясини ҳимоя қилишда парламент ресурсларини ишга солиш ўта муҳим вазифалар сирасига киради.

Таҳлиллар натижасида, сўнгги пайтларда Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг парламент ўлчами ўсиб бораётганлиги ва бу омил, биринчи навбатда, минтақадаги кўшни давлатлар билан ўзаро алоқаларда, кейин эса мамлакатимиз ташқи сиёсатида устувор аҳамиятга эга бўлган хорижий мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштиришда кўзга ташланаётганлиги аниқланди. Диссертантнинг қатъий ишонишича, ташқи сиёсий фаолият субъекти сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўзининг парламентлараро ҳамкорлигини, энг аввало, давлатнинг ташқи сиёсий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш, парламент дипломатиясини ривожлантириш, ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги қирраларини очиш, икки томонлама муносабатларда юзага келадиган кескинликларни фақатгина сиёсий мулоқот воситасида ҳал этиш, минтақавий экологик муаммоларни бартараф этиш каби аниқ масалаларга йўналтириши зарур. Фақат шундагина, парламент ташқи сиёсат инструменти сифатида миллий дипломатиянинг салоҳияти ва имкониятлари янада бойитиши, таъсирчан дипломатик акторга айланиши ҳамда давлатнинг халқаро нуфузини юксалишига хизмат қилиши мумкин.

Шу билан бирга, диссертант халқаро алоқаларни янада кенгайтиришда парламентлараро ҳамкорлик механизмларидан унумли фойдаланиш лозимлигини таъкидлаб, бу борада, айниқса, парламентлараро дўстлик гуруҳлари фаолиятини жонлантириш, хорижий мамлакатлар билан алоқаларни чуқурлаштиришда мазкур гуруҳларнинг салоҳиятини ишга солиш, амалий руҳдаги парламент дипломатиясини олиб бориш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг парламентлараро ҳамкорлигини ривожлантириш истиқболлари**» деб номланган тўртинчи бобда мамлакат миллий манфаатларини парламент ресурслари воситасида изчил ва ишончли таъминлаш тизимини йўлга қўйиш ҳамда миллий парламентнинг халқаро алоқаларини кенгайтириш ва ривожлантиришга оид таклифлар ишлаб чиқилган.

Диссертацияда илгари сурилган фикрга кўра, халқаро майдонда миллий манфаатларни намоён этишда парламентлараро ҳамкорликнинг замонавий механизмлари ва ўзига хос ижобий жиҳатларидан ҳамда парламентарийларнинг икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлиги салоҳиятидан Ўзбекистон Республикаси билан очик ва ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатишда фойдаланиш, мазкур тузилмалар ёрдамида хорижий давлатлар кенг жамоатчилигида мамлакатимизга нисбатан ишонч ва дўстона муҳитни қарор топтириш долзарб аҳамият касб этади.

